



CHANGES IN THE FIELD OF TRAINING SCIENTIFIC AND SCIENTIFIC PEDAGOGICAL PERSONNEL IN THE FIRST YEARS OF INDEPENDENCE IN UZBEKISTAN (1997-2012)

Utkirjon Kushmirzaevich Khoshimov

PhD in Philosophy, docent

Tashkent state pedagogical university

email: utkirjon.khoshimov@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Higher education institutions, scientific and scientific-pedagogical personnel, science, scientific potential, post-graduate studies, doctoral studies.

Received: 19.06.25

Accepted: 21.06.25

Published: 23.06.25

Abstract: This article examines the changes that have occurred in the development of scientific fields in the higher education system since Uzbekistan gained independence in 1997-2012 as a result of the reforms implemented in this field. In particular, it analyzes the processes, existing problems and solutions related to the wide involvement of young people in science, the training of scientific and scientific-pedagogical personnel in higher education institutions, and the defense of scientific research.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1997-2012 ЙЙ)

Ўткиржон Қушмирзаевич Хошимов

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Тошкент давлат миллий педагогика университети,

Email: utkirjon.khoshimov@mail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Олий таълим муассасалари, илмий ва илмий-педагог кадрлар, илм-фан, илмий салоҳият, аспирантура, докторантура.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон мустақиллики қўлга киритгандан сўнг олий таълим тизимиди илм-фан соҳаларини ривожлантириш борасида 1997-2012 йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида юз берган ўзгаришлар ўрганилган. Жумладан, ёшларни илм-фанга кенг жалб

қилиш, олий таълим муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотларни ҳимояга олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари таҳлил қилинган.

ИЗМЕНЕНИЯ В СФЕРЕ ПОДГОТОВКИ НАУЧНЫХ И НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В ПЕРВЫЕ ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА (1997-2012 ГГ.)

Уткиржон Кушмирзаевич Хашимов

Ташкентский государственный педагогический университет,

доктор философии исторических наук, доцент

email: utkirjon.khoshimov@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Высшие учебные заведения, научные и научно-педагогические кадры, наука, научный потенциал, аспирантура, докторантура.

Аннотация: В статье рассматриваются изменения, произошедшие в развитии научных направлений в системе высшего образования после обретения Узбекистаном независимости в 1997-2012 годах в результате реформ, проводимых в этой сфере. В частности, анализируются процессы, существующие проблемы и пути их решения, связанные с широким привлечением молодежи к науке, подготовкой научных и научно-педагогических кадров в высших учебных заведениях, защитой научных исследований.

Олий таълим муассасалари нафақат ёшларга таълим бериш орқали мутахассислар тайёрлайди, балки, ушбу ёш авлодни илм-фан соҳаларига йўналтириш, илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасида ҳам республикада алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида олий таълим тизимида илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ислохотларга катта аҳамият берилди. Чунки, илм-фан – ҳар қандай давлатни ривожланишга етакловчи асосий куч ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон учун илм-фан тараққиёти фаровонлик ва барқарорлик йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг иқтисодий имкониятлардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида мавжуд илмий салоҳиятни инобатга олган ҳолда, уни янада ривожлантириш, соҳаларда илмий тадқиқот натижадорлигини ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий йўналишларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этди.

Шундан келиб чиқиб, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилган ислохотларни қуйдаги босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босиқ 1992-2012 йилларни қамраб олиб, тегишли равишда унинг таркибида икки давр ривож (1992-1996 йй., 1997-2012 йй.) ўз аксини топади .

Иккинчи босқич 2013-2016 йилларни ўз ичиган олади.

Учинчи босқич 2017 йилдан кейин соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилган ислохотлар даври киради.

Ўзбекистонда ислохотларнинг 1992-1996 йиллардаги ривож олиб бериш малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, тегишли комплекс норматив-ҳуқуқий, илмий-ташкилий, услубий, таълим-тарбия ва ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалиётган жорий этиш жараёнларини қамраб олган .

Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва олиб бериш таълим босқичида амалга оширилган ислохотларнинг биринчи босқичидаги ўзгаришларни ижобий баҳолаш мумкин. Республикада иқтисодий имкониятлар чекланган бир шароитда олиб бериш таълим муассасаларида илмий салоҳиятни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида илмий салоҳиятни ўзишига ҳам эришилди. Бироқ ислохотларнинг иккинчи яъни 1997-2012 йиллардаги вақт оралиғида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасидаги ўзгаришлар ва ривожланиш динамикаси эҳтиёждан келиб чиқиб, замон талабларига мос ҳолда юз бермади. Хусусан, Ўзбекистон олиб бериш таълим муассасаларида 2000/2001 ўқув йилида илмий даражали профессор ўқитувчилар сони 8038 нафарни ташкил этиб, республика олиб бериш таълим муассасаларида илмий салоҳият ўртача 43,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2010/2011 ўқув йилига келиб илмий даражали профессор ўқитувчилар сони 9059 нафар, илмий салоҳият 39,4 фоизни ташкил этди . Яъни шу йиллар давомида илмий даражали профессор ўқитувчилар сони 1021 нафарга ортган бўлсада, олиб бериш таълим муассасаларида илмий салоҳият 4,2 фоизга пастлаганлигини кузатиш мумкин.

Илмий салоҳиятни ошириш ва илмий кадрлар тайёрлашга бўлган эътибор натижасида республикадаги баъзи олиб бериш таълим муассасаларида ижобий ютуқлар қўлга киритилди ва илмий салоҳият республика кўрсаткичларидан юқори бўлди. Жумладан, 2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон миллий университетида илмий салоҳият 65,4 фоиз, Самарқанд давлат университетида 56,8 фоиз, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида 56,7 фоиз, Тошкент кимё-технология институтида 55,8 фоиз, Тошкент молия институтида 51,9 фоиз, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 51,7 фоиз, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида 59,8 фоиз, Тошкент ирригация ва мелиорация институтида 56,5 фоиз, Тошкент

давлат аграр университетида 47,3 фоиз, Тошкент давлат юридик университетида 51,2 фоиз, Тошкент фармацевтика институтида 52,2 фоиз, Тошкент тиббиёт Академиясида 51,0 фоизни ташкил этиб, илмий даражалилар салмоғи юқори бўлган . Республиканинг баъзи олий таълим муассасаларида илмий салоҳият республика кўрсаткичидан анча орқада бўлган. Жумладан, Нукус давлат педагогика институтида илмий салоҳият 25,7 фоиз, Навоий давлат педагогика институтида 22,9 фоиз, Тошкент вилоят давлат педагогика институтида 20,3 фоизни ташкил этган . Бу олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, юқорида келтирилган илмий салоҳият юқори бўлган олий таълим муассасаларининг деярли барчаси Тошкент шаҳрида жойлашганлигини кўриш мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, пойтахт олий таълим муассасаларида илмий кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилганлиги, яратилган шароит ва имкониятларни вилоятларга нисбатан юқорилиги натижасида дейиш мумкин. Илмий салоҳияти паст бўлган олий таълим муассасалари вилоятларда жойлашган бўлиб, асосан педагогика йўналишида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ташкил этади. Бундан англаш мумкинки, педагогика соҳасига давлат томонидан катта эътибор қаратилмади ва бу даврда ўқитувчилик касби бироз қадирсизланди. Шу сабабдан ҳам бу олий таълим муассасаларида илмий салоҳият юқори бўлмади.

Республикадаги олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятли олимлар корпусини ёшартириш ишлари кониқарли бўлмади. Хусусан, 2005/2006 ўқув йилига келиб, илмий даражалиларнинг ёш кўрсаткичлари таҳлили республика олий таълим муассасаларида 30 ёшгача фан номзодларининг саломиги 1,7 фоиз, 30 дан 40 ёшгача – 13,4 фоиз, 40 дан 50 ёшгача – 24,3 фоиз, 50 дан 60 ёшгача – 25,3 фоиз, ва 60 дан юқори ёшдагилар қарийб 35,3 фоизни ташкил қилган бўлса, фан докторлари бўйича эса 40 ёшгача бўлганлар салмоғи 2,4 фоизни, 40 дан 50 ёшгача 16,4 фоизни, 50 дан 60 ёшгача 29 фоизни, ва 60 дан юқори ёшдагилар 52,2 фоизни ташкил қилган . Агар юқорида келтирилган 1994/1995 ўқув йилида 60 ёшдан юқори фан докторлари 29,3 фоизни , 1999/2000 ўқув йилда 30,9 фоизи ташкил этган бўлса , 2006 йилга келиб, бу кўрсаткич 52,2 фоизга етди. Яъни шу ўн йил давомида 60 ёшдан юқори фан докторлари сони 22,9 фоизга ортган. Бу вақтда олимлар корпусининг кексайиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Бундай бўлишининг асосий сабабларидан бири республика олий таълим муассасаларида ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмаган эди. Бундан ташқари, аспирантура ва докторантуралар фаолияти самарадорлиги паст даражада сақланиб қолганлиги оқибатида эди.

Хусусан, республика олий таълим муассасаларининг аспирант, докторант ва изланувчилари томонидан 2001-2005 йиллар мобайнида 1670 та номзодлик ва 341 та

докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ушбу кўрсаткичнинг йиллар давомидаги ўсиш динамикаси позитив тенденцияга эга бўлиши билан бир қаторда (2001 йил: 337 та номзодлик, 59 та докторлик; 2002 йил: 371 та номзодлик, 59 та докторлик; 2003 йил: 209 та номзодлик, 53 та докторлик; 2004 йил: 392 та номзодлик, 83 та докторлик; 2005 йил: 371 та номзодлик, 86 та докторлик), олий таълим муассасалари олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш динамикаси ўзаро сезиларли даражада фарқ қилади. Ҳимоя қилинаётган диссертацияларнинг диярли ярми мустақил изланувчилик асосида тайёрланган. Амалга оширилган ўрганишларга кўра 2003-2005 йилларда аспирантура ва докторантурани тугатганларнинг ўз вақтида ҳимоя қилиш даражаси талаб даражасида бўлмаган. Ушбу самарадорлик номзодлик диссертациялари ҳимояси бўйича 2003 йилда 22,6 фоиз, 2004 йилда 23,4 фоиз, 2005 йилда 14,9 фоизни ташкил этган. Докторантурани тугатганларнинг самарадорлиги докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича 2003 йилда 21,6 фоиз, 2004 йилда 23,9 фоиз, 2005 йилда 14,3 фоизни ташкил этган. Аспирантура ва докторантуранинг 3 йилдаги ўртача самарадорлиги 19,8 фоиз ва 20,1 фоиз ташкил этган. Илм-фанга иқтидорли ёшларни кенг жалб қилиш, магистратурада таълим олаётган ёшларнинг диссертация ишлари мавзусини олий таълим муассасаларида олиб борилаётган изланишларга мослаштириш, аспирантнинг илмий мавзуси магистратурадаги изланишларининг узвий давоми бўлишини таъминлаш, аспирантларнинг диссертацияларини фундаментал, амалий ёки инновация лойиҳалари мавзусида бажарилишига эътибор қаратиш, илмий раҳбарлар маъсулиятини янада ошириш орқали диссертация ҳимоялари самарадорлигини ошириш мумкин эди. Бироқ, амалда бу ишларга катта эътибор қаратилмади. Шу сабабдан ҳам олимлар жамоасини ёшартиришда муаммолар мавжуд бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 1426-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан 2010 йилнинг 10 ноябридан бошлаб амалдаги аспирантура ўрнига стажёр-тадқиқотчи-изланувчилик, докторантура ўрнига эса катта илмий ходим-изланувчилик институтлари жорий қилинди. Ушбу янги тизим асосида 2011 йил учун стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар инситутига 437 нафар, катта илмий ходим-изланувчилар инситутига 32 нафар тадқиқотчилар ўқишга қабули амалга оширилди. Шунини таъкидлаш жоизки, юқоридаги қарор билан олий таълимдан кейинги таълим институти номланишида ўзгариш бўлган бўлсада, шакл ва мазмун жиҳатида ижобий ўзгариш содир бўлмади.

Хулоса қилиб айтганда юқорида биз таҳлил қилиган даврда олий таълим тизимиди илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасида бир қатор ислохотлар амалга

оширилди. Бунинг натижасида республикада илмий даражали кадрлар сонида ўсиш кузатилди. Бироқ, бу амалга оширилган ислохотлар эҳтиёждан келиб чиқиб, замон талаблари асосида амалга оширишга катта эътибор қаратилмаганлиги боис республикада ва олий таълим муассасаларида илмий салоҳият пастлади. Оқибатда олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятли олимлар ёшининг кексайиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати::

1. Расулев А, Хўжаев Ш. Ўзбекистонда илм-фан ривожини // Халқ сўзи. – 2022. – 28 апрел.
2. Юсупов А. Т. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси. – Тошкент: “O’ZBEKISTON”, 2013. – Б. 87.
3. Юсупов А. Т. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси. – Тошкент: “O’ZBEKISTON”, 2013. – Б. 87.
4. Хошимов Ў.К. . Мустақиллик йилларида Фарғона водийси вилоятлари таълим соҳасидаги ўзгаришлар: Тарих фан. бўй. фал. док. ...дис. – Тошкент, 2020. – Б. 135.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №1/4 Ҳайъат қарори. 2006 йил 25 феврал. 35-варақ.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №1/4 Ҳайъат қарори. 2006 йил 25 феврал. 35-варақ.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №1/4 Ҳайъат қарори. 2006 йил 25 феврал. 36-варақ.
8. Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архиви. М-451-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 26-варақ.
9. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 789-йиғма жилд, 53-варақ.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №1/4 Ҳайъат қарори. 2006 йил 25 феврал. 36-варақ.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот фаолияти тўғрисида маълумот. 45-варақ.
12. ЎРҚММБ. <https://lex.uz/ru/docs/1695555?ONDATE=02.11.2010> (Ҳужжат кучини йўқотган 13.06.2017), (Мурожат этилган сана. 13.07.2019)
13. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №1/1 Ҳайъат қарори. 2011 йил 4 феврал. 5-варақ.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №5/1 Ҳайъат қарори. 2011 йил 1 ноябр. 6-варақ.